

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

#### ХОДИМЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАСИ

2008 йил 10 сентябрда «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида» ЎРК-174-сон Қонун қабул қилинди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Бундай суғуртанинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллиги оқибатида ходимнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш; меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг соғлиғини сақлаш.

Меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган, суғурта қилдирувчи (иш берувчи) суғурталовчига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига) шу шартномага мувофиқ суғурта бадалларини тўлайдиган жисмоний шахслар (суғурталанган шахслар) мажбурий суғурта қилиниши лозим. Суғурта товони шахар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан суғурталанган шахс вафот этган тақдирда дафн этишга нафақа, ногиронлик пенсияси ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси кўринишида тўланади.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 11 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

#### АДВОКАТНИНГ ОРДЕРИ БЎЛСИН

2008 йил 15 сентябрдаги ЎРК-178-сон Қонун («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Жиноят-процессуал кодексининг ҳимоячининг жиноий жараёндаги мақомини белгилаб берадиган 49-моддасига ўзгартириш киритилди. Чунончи, энди ишда ҳимоячи сифатида фақат адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйиладиган адвокат иштирок этиши мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бирининг **адвокат билан бир қаторда** ҳимоячи сифатида иштирок этишига суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин. Ҳимоячи сифатида иштирок этишга махсус гувоҳномага эга бўлган шахслар, жамоат бирлашмаларининг ушбу бирлашмалар аъзоларига алоқадор бўлган ишларда ҳимоячилар сифатида чиқиш ҳуқуқига эга бўлган вакиллари эса энди бундай ҳуқуққа эга эмас.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 16 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

#### ЛИЦЕНЗИЯСИЗ ИШЛАМАНГИ

2008 йил 18 сентябрдаги ЎРК-180-сон Қонун («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси фаолият билан лицензиясиз шуғулланишга бағишланган 165-модда билан тўлдирилди. Чунончи, ушбу қонунбузарликни содир этганлик фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 19 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

#### СИНГАПУР БИЛАН БИТИМ ТАСДИҚЛАНДИ

Президентнинг 2008 йил 12 сентябрдаги ПҚ-959-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида 2008 йил 24 июль куни Сингапур шахрида имзоланган Икки томонлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад солиғи тўлашдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳақидаги битим тасдиқланди.

#### МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ – СУҒУРТА НАЗОРАТЧИЛАРИ УЮШМАСИ АЪЗОСИ

2008 йил 8 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши тўғрисида» 202-сон қарори қабул қилинди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Уюшмага аъзо бўлиш суғурта компанияларининг маълумотлар базасига кириш имконини беради, унда эса ўз навбатида уюшмага аъзо бўлган мамлакатларнинг суғурта қонунчилигига доир асосий қоидалар ўрин эгаллаган.

Суғурта назоратчилари халқаро уюшмаси (СНХУ) 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда у 140 та мамлакатнинг 190 нафар аъзосини ва 120 дан зиёд кузатувчиларни бирлаштиради. Ташкилотнинг асосий мақсади миллий ва халқаро миқёсдаги суғурта бозорларини назорат қилиш ва тартибга солиш таомилларини ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат.

#### ЁҚИЛГИГА ЯНГИ НАРХЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 206-сон қарори билан **автобензин ва дизель ёқилғисига чакана нархлар ўзгартирилди**. 2008 йил 15 сентябрдан эътиборан улар қуйидагича белгиланган (бир литр учун):

- Аи-80 маркали автобензинга – 920 сўм;
- Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркали автобензинга – 1 030 сўм;
- Аи-95 маркали автобензинга – 1 155 сўм;
- дизель ёқилғисига – 920 сўм;
- ЭКО дизель ёқилғисига – 960 сўм.\*

Ушбу санадан бошлаб қонун билан белгиланган тоифалардаги шахсларнинг автобензинни харид қилишга доир харажатлари бир қисмини ҳар ойлик компенсациялаш миқдори 18 400 сўм этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида» 207-сон қарори билан Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

#### ШИРИН ИМТИЁЗЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 сентябрдаги 210-сон қарори («Норма

маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 мартдаги «Республика аҳолисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қанд-шакар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 52-сон қарорига ўзгартириш киритилди. Уларга кўра «Хоразм Шакар» ОАЖ ҚКни божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) ва қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёз мuddати 2009 йил 1 январга қадар узайтирилди.

#### МАШИННИ ЯНГИ РАҚАМДА МИНИНГИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 сентябрдаги 211-сон қарори билан Ўзбекистонда автоматотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш мuddати узайтирилди. Тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги «Автоматотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» 131-сон қарорига киритилган. Давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида – ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, автоматотранспорт воситалари учун, улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автоматотранспорт воситалари учун мажбурий тартибда амалга оширилади. 2009 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2011 йил 1 январгача эса – янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автоматотранспорт воситалари учун мажбурий тартибда амалга оширилади. Бунда рўйхатдан ўтказиш эски давлат рақами белгиларини янгисига ихтиёрий равишда алмаштириш тўғрисида 2008 йил мобайнида мурожаат қилган автоматотранспорт воситалари эгалари рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимни тўлашдан озод қилинадилар, яроксиз ва йўқолган давлат рақами белгиларини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини мажбурий алмаштириш ҳоллари бундан мустасно. Давлат рақами белгиларининг янги стандарт ҳамда ишлаб чиқариш технологияси асосида тайёрланиш ва чиқарилиш мuddати эса 2008 йил 1 октябргача узайтирилди.

#### АКЦИЗ ҲАМ ОШДИ

Молия вазирининг «Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 5 сентябрда 1852-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан улар учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда (бир тонна учун) белгиланди: Аи-80 маркали автобензинга – 216 500 сўм; Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркали автобензинга – 238 100 сўм; Аи-95 маркали автобензинга – 275 500 сўм; дизель ёқилғисига – 185 200 сўм.

2008 йил 15 сентябрдан кучга кирди.

#### ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ КОДЛАРИ ЯНГИЛАНДИ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори (АВ томонидан 2008 йил 9 сентябрда 1853-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб килинадиган истеъмол товарларининг янги рўйхати тасдиқланди.

2008 йил 19 сентябрдан кучга кирди.

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 9 сентябрда 1855-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Тизим иштирокчилари электрон ҳужжатларнинг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини таъминлашлари керак. Тизим иштирокчилари томонидан фойдаланилаётган АКТлар эса қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим. Тизим иштирокчиларининг мажбуриятларига қуйидагилар киради: тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш; ахборот хавфсизлиги ва тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда); электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш; электрон рақамли имзо сертификатини олиш ва бошқалар.

2008 йил 19 сентябрдан кучга кирди.

#### АУДИТГА КИМЛАР ҚЎЙИЛАДИ?

Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 9 сентябрда 1668-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 2007 йил 28 мартда 1668-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўзгартиришлар киритилди. Аудиторлик ташкилотини бундай аудитни ўтказишга ҳуқуқи бўлган ташкилотлар рўйхатига киритиш учун барча ҳужжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ёки ташаббус тарзидаги ва банклар, суғурта ташкилотлари ва устав капитали 500 млн сўмдан юқори бўлган очик акциядорлик жамиятларидан ташқари ҳужжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг мавжудлиги мажбурийдир. Штатдаги камида икки аудиторда CAP ёхуд CIPA сертификатларининг мавжудлиги ҳақидаги талаб эса бекор қилинди.

2008 йил 19 сентябрдан кучга кирди.

УШБУ СОНДА	1-2-бетлар	3-бет	4-бет	5-10-бетлар
	Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?	Октябрь. Солиқ тўловчи тақвими	Жисмоний шахслар даромадидан солиқ	Барчаси имтиёзлар ҳақида
	\$1 = 1328,22 сўм	€1 = 1928,84	£1 = 2436,22 сўм	¥10 = 124,67 сўм

**INTER-PRESS** АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Janna Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

Тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

## ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда ХУЖЖАТЛАР  
МАРКАЗЛАШТИРИЛИБ,  
ХИСОБГА ОЛИНАДИ

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 10 сентябрда 1856-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисобини Адлия вазирлиги амалга оширади ҳамда у ўз ичига ушбу ҳужжатларни марказлаштирилган тартибда йиғиш, ҳисобга олишни, Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга код бериш, тизимлаштирилган картотека юришти, улар фондларининг назорат ҳолати ҳамда бундай ҳужжатлар тўғрисидаги марказлаштирилган ахборотни барпо этиш ва сақлаб туришни қамраб олади. Ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисоби учун юбориш тартиби, уларнинг фондларини юриштиш тартибини белгилайди. Белгиланишча, барча юридик ва жисмоний шахслар реестрларда жойлаштирилган маълумотлардан ёзма мурожаатлар асосида ёки Адлия вазирлигининг расмий сайтидан ахборот олишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

2008 йил 20 сентябрдан кучга кирди.

\* Таҳририятдан: ушбу нархларга жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ кирмайди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 6 сентябрдан 20 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 37-38-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogta.uz](http://www.pogta.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

## ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ - ТЎЛОВЧИНИНГ ХУЖЖАТИ

? Мен олий ўқув юртида ўқишга контракт асосида кирдим. Мен учун ўқиш ҳақини ташкилот тўлади. Институтга ташкилотдан олинган тўлов топшириқномасининг кўчирма нусхасини тақдим қилдим, бироқ институт асл нусхани талаб қиляпти. Шундай қилиш қонунийми? Ташкилотдан жорий ўқув йили ҳақи тўланганлигини тасдиқлаш учун менга ҳам тўлов топшириқномасининг асл нусхасини беришни талаб қила оламани, шуни билишни хоҳлардим.

Арте́м А.\*

? Шу йил қизим Тошкент политехника университети талабаси бўлди. Унинг ҳатто тижорат асосида ўқишга кирганлиги қувончимизга соя солмади, қизим бунгача ишлаган фирма ўқиш ҳақини тўлашга рози бўлганди.

Университет билан шартномага кўра фирма бухгалтерияси (фирма раҳбари соғ-саломат бўлиб юрсин) биринчи семестр учун ҳақ тўлади. Бироқ университетда шартномага кўшимча равишда тўлов топшириқномасининг кўчирма нусхаси эмас, балки асл нусхасини тақдим этишни талаб қилишди. Бироқ қайси бухгалтер ушбу дастлабки ҳисоб ҳужжатини беради?

Университетда қизимни 1-курсга қабул қилмаймиз деб дағдаға қилишяпти (ҳолбуки 15 сентябргача ўқиш ҳақини тўладик). Фирма ҳужжатнинг фақат кўчирма нусхасини тақдим этмоқда. Биз нима қилайлик?

Яна бир гап. Университет билан уч тарафлама шартнома тузилган. Бироқ бизга унинг нусхасини негадир беришмади. Шу тўғрими?

А.Д.\*

? Ҳар йили кузда газетангиз саҳифаларида контракт асосида ўқувчи талабалар ёки уларнинг ота-оналарига олий ўқув юртида ўқиш учун ҳақ тўлаш тартиби, хусусан, пул институт ҳисобига ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов топшириқномасининг кўчирма нусхасини эмас, балки асл нусхасини тақдим этиш талабининг қонуний-қонуний эмаслиги борасида берилган тушунтиришларни ўқиб бораман.

Жорий йилда мен ҳам шундай вазиятга тўқнаш келдим. Ўғлим Ўзбекистон миллий университети магистратурасига контракт асосида ўқишга кирди. Биз УМУ маркетинг хизмати томонидан нима учундир бир нусхада расмийлаштирилган шартнома асосида банкда бутун ўқиш йили учун тўловни амалга ошириб, олдиндан улар учун тўлов топшириқномаси ва контрактдан ксеронусхалар олган ҳолда ўз мажбуриятларимизни бажарганимизни тасдиқлаш учун маркетинг хизматига келганимизда, у ерда ушбу ҳужжатларнинг асл нусхаларини талаб қилишди. Улар менда бўлиши керак деганимда, шундай бўлса кетаверинг дейишди. Ўғлим билан худди шундай қилдик.

Ўзим аудитор бўлиб ишлайман, узок йиллар давомида бухгалтер бўлганман, шу сабабли бухгалтерия ҳисоби тартиби ва бошланғич ҳужжатларга қўйиладиган талабларни биламан.

Нима учун уларни ҳурматли олий ўқув юртининг ёш ходимлари билмаслиги тушунарсиз, улар, фикримча, ўз иш ҳақини олишларига сабабчи бўладиган талабалар ва уларнинг ота-оналарига эҳтиром билан муносабатда бўлиш сабоғини олишлари керак.

Рамзия И.\*

– Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида низомнинг (молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 2-бандига мувофиқ корхоналар амалга оширадиган барча ҳужжалик операциялари тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак. Улар дастлабки ҳисоб ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади, улар асосида бухгалтерия ҳисоби юриштилади. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга кўра (МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган таҳрирда) ташкилот муайян суммани ўз ҳисобидан олувчи – институт ҳисобига ўтказишни топширганлигининг тасдиғи бўлиб пул ҳисоб-китоби ҳужжати – тўлов топшириқномаси ҳисобланади. Талабалар ўқиши учун тўловни амалга оширадиган корхона бухгалтериясининг асл нусхасини бериш ҳуқуқига эга ҳам эмас, чунки Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомнинг 25-бандига кўра банк тўловни амалга оширганидан кейин тўловчида унга аввало келгусидаги текширувлар учун зарур бўладиган тўлов топшириқномасининг фақат бир нусхаси қолади. Институт учун ҳисобига ўқиш учун пул маблағлари келиб тушганлиги тасдиғи бўлиб тўлов топшириқномаси эмас, балки унга хизмат кўрсатадиган банк амалга оширган унинг банк ҳисобрақамидан кўчирма ҳисобланади.

Тўлов топшириқномасининг асл нусхасини тақдим этмади деб навбатдаги курсга қабул этмаслик ғайриқонуний ҳол ва бунинг устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

Контрактлар нусхалари миқдорига

келсак. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида низомга мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарорига 1-илова) контрактлар юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтернинг имзолари қўйилган ҳолда 3 нусхада ҳамда жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади. Магистратурага кириш чоғида контрактлар нусхаларининг миқдори хусусида 1999-2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистратурасига қабул қилиш қоидалари ва тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарорига 2-илова) 26-бандининг учинчи хатбошисидангина айтилган: контрактлар юридик шахслар учун 3 нусхада ва жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади. Қонунчиликда бундан кейин қабул қилинган ҳужжат мавжуд эмас. Бироқ бошқа тартиб назарда тутилмаганлиги боис, ўйлашимизча, олий ўқув юртлари ушбу меъёрга амал қилишлари керак. Фуқаролик қонунчилига кўра эса шартнома тузилганида унинг тарафларидан бири шартноманинг бир нусхасини олишга ҳақли. Бундан ташқари, агар контрактнинг бирдан-бир нусхасида (бу ҳам фуқаролик қонунчилигига зид эмас) у ани олий ўқув юртида сақланиши керак деб кўрсатилмаган бўлса, сиз битим тарафларидан бири сифатида унга нисбатан тўлиқ ҳуқуққа эгасиз ва ҳеч ким сиздан уни қайтаришни талаб қила олмайди. Мазкур ҳолда энг муҳими унга доир мажбуриятларни бажариш: ҳақ тўлаиши, талабанинг ўқиши ва контрактда таъкидланган бошқа мажбуриятлар ҳисобланади.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Норма» МЧЖ  
юрист-эксперти.

## Таҳририятдан:

Биз бундай саволларга бир неча марта жавоб берганмиз. Шундай бўлса-да, улар таҳририят почтасига деярли ҳар йили кузда келаверади. Газетонларнинг саволларига тезкорлик билан жавоб берса-да, таҳририят ушбу хатларнинг кўчирма нусхаларини Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига уларни шарҳлаш илтимоси билан юборди.

\* Мурожаатларнинг муаллифлари илтимосига кўра таҳририят уларнинг фамилияларини кўрсатмайди.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 23 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юриштиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1103,75	1 Малайзия ринггити	389,05
1 Англия фунт стерлинги	2436,22	1 Польша злотийси	587,66
1 Дания кронаси	258,68	1 СДР	2056,97
1 БАА дирҳами	361,61	1 Туркия лираси	1062,15
1 АҚШ доллари	1328,22	1 Швейцария франки	1207,91
1 Миср фунти	243,15	1 ЕВРО	1928,84
1 Исландия кронаси	14,66	10 Жанубий Корея вони	11,64
1 Канада доллари	1268,47	10 Япония иенаси	124,67
1 Хитой юани	194,63	1 Россия рубли	52,12
		1 Украина гривнаси	273,80

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	23.09.2008	1	0,8076	1	1,194	1	0,0323
Арманистон	23.09.2008	1	303,77	1	446,42	1	12,13
Беларусь	24.09.2008	1	2112,00	1	3104,22	1	84,53
Грузия	24.09.2008	1	1,401	1	2,0652	1	0,0561
Қозғоғистон	24.09.2008	1	119,70	1	176,21	1	4,78
Қирғизистон	20.09.2008	1	35,7094	1	50,6145	1	1,4011
Латвия	24.09.2008	1	0,475	1	0,702804	1	0,019
Литва	24.09.2008	1	2,3405	1	3,4528	10	9,3627
Молдова	23.09.2008	1	10,341	1	15,0741	1	0,4106
Тожикистон	23.09.2008	1	3,4151	1	4,8617	10	1,3515
Ўзбекистон	23.09.2008	1	1328,22	1	1928,84	1	52,12
Украина	24.09.2008	100	485,51	100	715,2048	10	1,9431
Эстония	23.09.2008	1	10,6447	1	15,6466	1	0,424839

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

## РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

**STS LOGISTICS**  
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни “эшиқдан эшиқкача” етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: [ststas@stslogistics.net](mailto:ststas@stslogistics.net), [www.stslogistics.net](http://www.stslogistics.net)

УШБУ  
СОҒДА:

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- 1-2-бетлар
- ҲАФТА САВОЛИ
- Тўлов топшириқномаси – тўлов-

чининг ҳужжати

- Валюталар курси

2-бет

- СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

- Солиқ тўловчининг тақвими

3-бет

- БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

- 2008 йилнинг сентябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ҳисоб-китоби

4-бет

- СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА ЁРДАМ

- Солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

5-10-бетлар

- БИЗНЕС-ПАНОРАМА

11-16-бетлар

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

## (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН) 2008 ЙИЛ ОКТЯБРЬ



### ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):

5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 176  
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 174  
36 соатли иш ҳафтасида – 156

### ИШ КУНЛАРИ СОНИ:

5 кунлик иш ҳафтасида – 22  
6 кунлик иш ҳафтасида – 26

<b>3</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– сентябрь ойининг III ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);</li> <li>– сентябрь ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).</li> </ul>
<b>5</b> *** ****	<ul style="list-style-type: none"> <li>– акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик мойи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.</li> </ul>
<b>9</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– сентябрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов тўлашнинг сўнгги куни (МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди);</li> <li>– 2008 йилнинг IV чораги учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 300-модда, тўртинчи қисм);</li> <li>– 2008 йилнинг IV чораги учун тахмин қилинаётган фойдадан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича жорий тўловлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 164-модда, иккинчи қисм).</li> </ul>
<b>10</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– сентябрь ойи учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни* (Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);</li> <li>– сентябрь ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 310-модда, бешинчи қисм).</li> </ul>
<b>13</b> *** ****	<ul style="list-style-type: none"> <li>– октябрь ойининг I ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);</li> <li>– октябрь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).</li> </ul>
<b>14</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– октябрь ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни*** (Солиқ кодекси, 164-модда, учинчи қисм);</li> <li>– сентябрь ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига I фозиз миқдорида бадаллар тўлангани ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни (ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш бевучилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди).</li> </ul>
<b>15</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– октябрь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни**** (Солиқ кодекси, 300-модда, бешинчи ва олтинчи қисмлар).</li> </ul>
<b>23</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– октябрь ойининг II ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);</li> <li>– октябрь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).</li> </ul>

\*)солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;  
\*\*)бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари иш ҳақи учун пул маблағларини олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади;  
\*\*\*)ҳисобот давридаги қўйилган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбаида ушлаб қолинган юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фозиларга фойда солиғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг даромадларидан фойда солиғи бюджетга мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечиктирмасдан ўтказилади;  
\*\*\*\*) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари қўйидагилар томонидан тўланмайди:  
– ҳисобот давридаги солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар томонидан;  
– ўтган ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси солиқ солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солиқ тўловчилар томонидан;  
– ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;  
\*\*\*\*\*) вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар, шунингдек чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар учун 2008 йилнинг 9 ойлик молиявий ҳисоботини тақдим этишнинг муддати 9 ноябрда тугайди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари молиявий ҳисоботни бир йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмасдан тақдим этади;  
\*\*\*\*\*) қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари;  
\*\*\*\*\*) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

### 24

- 2008 йилнинг 9 ойи учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни\*\*\*\*\* (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомнинг 4-банди);
- сентябрь ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*\*\* (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);
- 2008 йилнинг III чораги учун ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 187-модда, 2-банд);
- 2008 йилнинг III чораги учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси бир чоракда ЭКИХнинг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);
- сентябрь ойи учун цементга ва табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 21.02.2008 йилда 1772-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-13-бандлари; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.03.2008 йилда 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-14-бандлари);
- 2008 йилнинг III чораги учун фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни\*\* (Солиқ кодекси, 310-модда, тўртинчи қисм).

### 25

- сентябрь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);
- сентябрь ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 239-модда);
- сентябрь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 247-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);
- октябрь ойи учун бюджетга юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 271-модда, учинчи қисм);
- сентябрь ойи учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);
- сентябрь ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);
- сентябрь ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни\* (Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);
- 2008 йилнинг III чораги учун фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 163-модда, иккинчи қисм; 164-модда, олтинчи қисм; 165-модда, тўртинчи қисм, 2-банд);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан мактаб таълимни ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимни ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан акциз солиғи ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 239-модда);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 247-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);
- 2008 йилнинг III чораги учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 300-модда, еттинчи ва саккизинчи қисмлар);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);
- сентябрь ойи учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни (ҳисоб-китобни ҳар чоракда тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) (Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);
- 2008 йилнинг III чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);
- сентябрь ойи учун фуқароларнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни (Солиқ кодекси, 372-модда, еттинчи қисм).



Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Норма» АХТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси тахририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

## 2008 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН

## СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(6 x 185 255) = 1 111 530 сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
1 111 531 сўмдан (10 x 185 255) = 1 852 550 сўмгача	144 498,9 сўм + 1 111 530 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи
1 852 551 сўм ва ундан юқори	277 882,5 сўм + 1 852 550 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3972-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи ойига 20 865 сўм этиб белгиланди. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 21 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4014-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 25 040 сўм этиб белгиланди. Январь-сентябрь ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 185 255 сўмни (18 630 + 18 630 + 18 630 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 25 040) ташкил қилади.

**I МИСОЛ.** Корхона ходимига сентябрь ойи учун 135 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-сентябрь ойлари учун жами даромади 995 000 сўмни (100 000 + 100 000 + 100 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 135 000) ташкил этади. Январь-август ойларида ушланган солиқ суммаси 111 800 сўмга тенг.

Унинг сентябрь ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (995 000 сўм даромаддан):

Ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари - 1 111 530 сўм (185 255 x 6)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:

$$995\,000 \times 13\% = 129\,350 \text{ сўм.}$$

2. Сентябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$129\,350 - 111\,800 = 17\,550 \text{ сўм.}$$

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%и миқдорда белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдордаги мажбурий ушланмалар суммаси 9 950 сўмни (995 000 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 8 600 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 1 350 сўм (9 950 - 8 600) ушланиши лозим.

4. Сентябрь ойи учун бюджетга 16 200 сўм (17 550 - 1 350) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий сугурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдорда белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди). Сентябрь ойи учун мажбурий сугурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси - 135 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 3 375 сўмни (135 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолинганидан кейин сентябрь ойи учун иш ҳақи суммаси:

$$135\,000 - 17\,550 - 3\,375 = 114\,075 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

**II МИСОЛ.** Корхона ходимига сентябрь ойи учун 270 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-сентябрь ойлари учун жами даромади 1 995 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-август ойларида 271 035 сўм солиқ ушланган.

Унинг сентябрь ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 995 000 сўм даромаддан):

$$277\,882,5 + (1\,995\,000 - 1\,852\,550) \times 25\% = 313\,495 \text{ сўм.}$$

2. Сентябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$313\,495 - 271\,035 = 42\,460 \text{ сўм.}$$

3. Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш

ҳақининг 1 фоизи миқдорда мажбурий ушланмалар суммаси 19 950 сўмни (1 995 000 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 17 250 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 2 700 сўм (19 950 - 17 250) ушланиши лозим.

4. Сентябрь ойи учун бюджетга 39 760 сўм (42 460 - 2 700) даромад солиғи ўтказилади.

**III МИСОЛ.** Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибиде ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига қақирилган ҳарбий хизматга мажбурил) сентябрь ойи учун 270 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-сентябрь ойлари учун жами даромади 1 995 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-август ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 147 080,7 сўмни ташкил этди.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-сентябрь ойлари учун солиқ солинадиган жами даромади қуйидагидан ташкил этади: 4 x 185 255 = 741 020 сўм.

Унинг иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:

$$1\,995\,000 - 741\,020 = 1\,253\,980 \text{ сўм.}$$

2. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 253 980 сўм даромаддан):

$$144\,498,9 + (1\,253\,980 - 1\,111\,530) \times 18\% = 170\,139,9 \text{ сўм.}$$

3. Сентябрь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$170\,139,9 - 147\,080,7 = 23\,059,2 \text{ сўм.}$$

4. Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорда мажбурий ушланмалар суммаси 12 539,8 сўмни (1 253 980 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 10 841,4 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 1 698,4 сўм (12 539,8 - 10 841,4) ушланиши лозим.

5. Сентябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 21 360,8 сўмга (23 059,2 - 1 698,4) тенг.

**IV МИСОЛ.** Ходимга сентябрь ойи учун 270 000 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Май ойида муҳим шахсий воқеа муносабати билан унга 400 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинади.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммасига, яъни мазкур ҳолатда 20 865 x 12 = 250 380 сўмга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Ходимнинг январь-сентябрь ойларидаги жами даромади 2 445 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 400 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000) ташкил этади.

Январь-август ойларида 308 440 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

$$2\,445\,000 - (50\,000 + 250\,380) = 2\,144\,620 \text{ сўмга тенг.}$$

2. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 144 620 сўм даромаддан):

$$277\,882,5 + (2\,144\,620 - 1\,852\,550) \times 25\% = 350\,900 \text{ сўм.}$$

3. Сентябрь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$350\,900 - 308\,440 = 42\,460 \text{ сўм.}$$

4. Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жа-

мғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорда мажбурий ушланмалар суммаси 21 446,2 сўмни (2 144 620 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 18 746,2 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 2 700 сўм (21 446,2 - 18 746,2) ушланиши лозим.

5. Сентябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 39 760 сўмга (42 460 - 2 700) тенг.

**V МИСОЛ.** Ходимга сентябрь ойи учун 270 000 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Унинг аризасига биноан сентябрь ойида унга бола туғилиши муносабати билан 200 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинади.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига, тегишинча 25 040 x 12 = 300 480 сўмга жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинади.

200 000 сўм миқдордаги моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаганлиги сабабли, бутун суммаси солиқ солинадиган даромаддан чегириб ташлаймиз.

Ходимнинг январь-сентябрь ойларидаги жами даромади 2 345 000 сўмни (200 000 + 150 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000 + 200 000) ташкил этади. Январь-август ойлари учун 280 590 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

$$2\,345\,000 - 111\,780 - 200\,000 = 2\,033\,220 \text{ сўмга тенг.}$$

2. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 033 220 сўм даромаддан):

$$277\,882,5 + (2\,033\,220 - 1\,852\,550) \times 25\% = 323\,050 \text{ сўм.}$$

3. Сентябрь ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$323\,050 - 280\,590 = 42\,460 \text{ сўм.}$$

4. Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорда мажбурий ушланмалар суммаси 20 332,2 сўмни (2 033 220 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 17 632,2 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 2 700 сўм (20 332,2 - 17 632,2) ушланиши лозим.

5. Сентябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 39 760 сўмга (42 460 - 2 700) тенг.

**VI МИСОЛ.** Ходимга сентябрь ойи учун 270 000 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан унга январь ойида 250 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилган. Оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан июнь ойида 350 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра қуйидаги моддий ёрдам суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган энг кам иш ҳақининг йиғирма бараваригача миқдорда;

бошқа ҳолатларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда.

Ходимнинг январь-сентябрь ойлари учун жами даромади 2 595 000 сўмни (200 000 + 250 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 350 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-август ойлари учун 277 645 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$$18\,630 \times 12 = 223\,560 \text{ сўм.}$$

$$20\,865 \times 20 = 417\,300 \text{ сўм.}$$

Ходимнинг оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан тўланган 350 000 сўм миқдордаги моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромаддан барча суммаси чиқариб ташлаймиз.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

$$2\,595\,000 - 223\,560 - 350\,000 = 2\,021\,440 \text{ сўм.}$$

3. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (2 021 440 сўм даромаддан):

$$277\,882,5 + (2\,021\,440 - 1\,852\,550) \times 25\% = 320\,105 \text{ сўм.}$$

4. Сентябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$320\,105 - 277\,645 = 42\,460 \text{ сўм.}$$

5. Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорда мажбурий ушланмалар суммаси 20 214,4 сўмни (2 021 440 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 15 264,4 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 2 700 сўм (20 214,4 - 17 514,4) ушланиши лозим.

6. Сентябрь ойи учун бюджетга 39 760 сўм (42 460 - 2 700) даромад солиғи ўтказилади.

**VII МИСОЛ.** Ходимга сентябрь ойи учун 270 000 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан апрель ойида унга 300 000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинади.

Ходимнинг январь-сентябрь ойлари учун жами даромади 2 295 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 300 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-август ойларида 283 440 сўм солиқ ушланган.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$$20\,865 \times 12 = 250\,380 \text{ сўм.}$$

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

$$2\,295\,000 - 250\,380 = 2\,044\,620 \text{ сўм.}$$

3. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз (2 044 620 сўм даромаддан):

$$277\,882,5 + (2\,044\,620 - 1\,852\,550) \times 25\% = 325\,900 \text{ сўм.}$$

4. Сентябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$325\,900 - 283\,440 = 42\,460 \text{ сўм.}$$

5. Январь-сентябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорда мажбурий ушланмалар суммаси 20 446,2 сўмни (2 044 620 x 1%) ташкил этади. Январь-август ойларида 17 746,2 сўм ушлаб қолинган, сентябрь ойида 2 700 сўм (20 446,2 - 17 746,2) ушланиши лозим.

6. Сентябрь ойи учун бюджетга 39 760 сўм (42 460 - 2 700) даромад солиғи ўтказилади.

**VIII МИСОЛ.** Корхона ходимига сентябрь ойи учун 270 000 сўм миқдорда иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-сентябрь ойлари учун унга хизмат сафарларида «Нексия» русумли шахсий автомобилдан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланади. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИХнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат энгил автотранспортерлардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русумли автомобиллар учун энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.

Сентябрь ойи учун компенсация миқдори 125 200 сўмни (25 040 x 5) ташкил этади ва белгиланган чегараланган миқдордан ошмайди. Январь-сентябрь ойлари учун умумий компенсация суммаси 926 275 сўмдан (93 150 + 93 150 + 93 150 + 104 325 + 104 325 + 104 325 + 104 325 + 104 325 + 125

Имтиёзлар бериладиган шахслар	Солиқ турлари	Имтиёз тури	Асос	Изоҳ
"Самарқанд автомобиль заводи" МЧЖ ишлаб чиқарган автобуслар ва юк машиналарининг харидорлари, автозавод маҳсулотларини биринчи марта сотиб олишда	Сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим	1.01.2010 йилга қадар йиғимни тўлашдан озод этилганлар	ЎзР Президентининг 14.12.2006 йилдаги ПҚ-531-сон қарорининг 3-банди	
Товарларни олиб кирувчи жисмоний шахслар	Қўшилган қиймат солиғи Акциз солиғи	Товарларни олиб киришнинг тасдиқланган нормалари доирасида олиб киришда солиқни тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 211-моддасининг 1-банди ЎзР СК 230-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди	Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини солишдан озод этилган товарларнинг чекланган миқдорий нормалари, АВ томонидан 13.03.1998 йилда 412-сон ва 28.12.2002 йилда 1196-сон билан рўйхатдан ўтказилган
Уй шароитида халқ бадий хунарамандчиликлари ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар	Қатъий белгиланган солиқ	1.04.2010 йилга қадар солиқни тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР Президентининг 1.04.2008 йилдаги ПФ-3983-сон Фармонининг 1-банди	Халқ бадий хунарамандчиликлари ва амалий-безак санъати буюмлари асосий турларининг рўйхати ЎзР Президентининг 28.03.2005 йилдаги ПФ-3588-сон Фармони билан тасдиқланган

**Ягона ижтимоий тўлов ҳамда сугурта бадаллари** жисмоний шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида оладиган **қуйидаги тўловлардан олинмайди** (Солиқ кодексининг 308-моддаси):

- Компенсация тўловлари:  
доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда, иш ҳақиға устамалар;  
дала таъминоти;  
хизмат сафарлари вақтидаги кундалик харажатлар;  
хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан фойдаланганлик учун тўловлар;  
меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун олинган суммалар.
- Ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиғи билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, яқшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар.
- Ходимнинг муҳим санаси, узоқ йиллик хизмати, жамоат фаолиятида эришган ютуқлари муносабати билан унга бериладиган рағбатлантириш тарзидаги тўловлар.
- Ходимга табиий офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан тўланадиган тўловлар. МВ ва ДСКнинг 2008 йил 20 августдаги тушунтириш хатига (ММ/04-01-32-14/769-сон ва 16/2-9476-сон) мувофиқ, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан тўланадиган тўловларга, шунингдек ходимнинг оила аъзоси вафот этганлиги, оила аъзоларига ходимнинг вафоти муносабати билан тўланадиган, мақсадли хусусиятга эга бўлган ва ходимлар билан юз берган муҳим шахсий воқеалар, ҳодисалар, тадбирлар тақозо қилган, бироқ компенсация ва мукофот тўловлари ҳисобланмайдиган ва ушбу маблағларни олувчилар томонидан бажариладиган иш ва унинг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа тўловлар ҳам қиради. Мазкур тўловларнинг рўйхати Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари ҳисоб-китобида келтирилган (090-сатр).
- Ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН ДАРОМАДЛАРИ

Имтиёз объекти	Асос
Моддий ёрдам суммалари: табиий офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича; вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йиғирма бараваригача миқдорда; бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда	ЎзР СК 179-моддасининг 1-банди
Йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно: Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари; Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари	ЎзР СК 179-моддасининг 2-банди

Имтиёз объекти	Асос
Фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкни сотиб олиш, хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фонди (устав капиталига) йўналтирилган қўшимча акцияларнинг қиймати ёки ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлар	ЎзР СК 179-моддасининг 19-банди
Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатиладиган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак	
Меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий сугуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бундан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақалари) мустасно, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари	ЎзР СК 179-моддасининг 20-банди
Олинган алиментлар	ЎзР СК 179-моддасининг 21-банди
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сугурта бўйича оладиган суммалари	ЎзР СК 179-моддасининг 22-банди
Таълим муассасаларида ўқитганларга тўланадиган, уларга қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда шу муассасалар томонидан тайинланадиган стипендиялар	ЎзР СК 179-моддасининг 23-банди
Уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари	ЎзР СК 179-моддасининг 24-банди
Давлат пенсиялари	ЎзР СК 179-моддасининг 25-банди
Давлат пенсияларига устамалар: а) I гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик фоизи; б) II гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз йиғирма беш фоизи; в) III гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи; г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг юз фоизи; д) бошқа касалликлар бўйича I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи; е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларга - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи; ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи; з) 1941-1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисидида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятларни бажарган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи; и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) - энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи; к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга - хизматларига қараб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз фонздан бир юз эллик фоизгача; л) ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизи; м) театр-концерт ташкилотлари артистларига ва бадий ходимларига, ўқув муассасаларининг театр ҳамда мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрлаш билан банд бўлган профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга кўра - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи	ЎзР СК 179-моддасининг 26-банди
Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари	ЎзР СК 179-моддасининг 27-банди
Солиқ солиниши керак бўлган ва мол-мулкни сугурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича сугурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иш ҳақининг ҳамда бошқа даромадларининг суммалари	ЎзР СК 179-моддасининг 28-банди
Юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) иштиёрий тугатиладиган тадбиркорлик субъектига - юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари	ЎзР СК 179-моддасининг 29-банди
Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади	
Жисмоний шахслар - ёш оила аъзолари иш ҳақининг ва солиқ солинадиган ҳамда якка тартибда уй қуриш, уни реконструкция қилиш ва олиш ёки кўп квартирадаги уйни реконструкция қилиш ва олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган бошқа даромадларининг суммалари	ЎзР СК 179-моддасининг 30-банди
Қўрсатилган мол-мулк олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солиниши керак	
"Қизилқумнодирметаллолтин" концерни томонидан ўқишни тугатган асосий ишлаб чиқаришларда мутахассислиги бўйича ишга келувчи ёш мутахассисларга бериладиган энг кам иш ҳақининг 20 баравар миқдоригача йўл пули	ЎзР Президентининг 12.04.2001 йилдаги ПФ-2829-сон Фармонининг 4-банди
Ёш мутахассисларга уй-жой сотиб олиш учун берилган фоизсиз ссуданинг "Қизилқумнодирметаллолтин" концерни томонидан тўланган суммаси	

Имтиёз объекти	Асос
Ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари	ЎзР СК 179-моддасининг 3-банди
Кўрсатилган даромадлар ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг бандаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади	ЎзР СК 179-моддасининг 4-банди
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида	ЎзР СК 179-моддасининг 5-банди
Вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари қўмағида амалга оширилаётган бўлса	ЎзР СК 179-моддасининг 6-банди
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси	ЎзР СК 179-моддасининг 7-банди
Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати	ЎзР СК 179-моддасининг 8-банди
Халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти	ЎзР СК 179-моддасининг 9-банди
Саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйида кўрсатилган даврдан қўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси: ихтиролар ва селекция ютуғидан - 5 йил давомида; саноат намунасида - 3 йил давомида; фойдали моделдан - 2 йил давомида	ЎзР СК 179-моддасининг 10-банди
Донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар	ЎзР СК 179-моддасининг 11-банди
Жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, амалга оширилган тadbиркорлик фаолияти доирасида олинган мол-мулкни сотишдан тушадиган даромадлар бундан мустасно	ЎзР СК 179-моддасининг 12-банди
Уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно	ЎзР СК 179-моддасининг 13-банди
Кўрсатилган даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади	ЎзР СК 179-моддасининг 14-банди
Халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати	ЎзР СК 179-моддасининг 15-банди
Юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати	ЎзР СК 179-моддасининг 16-банди
Жисмоний шахслардан мерос ёки ҳаля тартибда, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно	ЎзР СК 179-моддасининг 17-банди
Давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар	ЎзР СК 179-моддасининг 18-банди
Депозит сертификатлар бўйича даромадлар, тижорат банкларидаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар	
Халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг ҳулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан - грант олувчидан олган грант суммаси	

Имтиёз объекти	Асос
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ҳулосалари асосида халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлар грантлари бўйича, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасида халқаро битимлар доирасида олинган пул маблағлари суммаси	АВ томонидан 8.05.1998 йилда 438-сон билан рўйхатдан ўтказилган Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлар ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга ҳулосаларни бериш тартибининг 3.1-банди
Ушбу имтиёз лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар ва хизматларни бажариш учун грант олувчилар билан тузилган шартномалар асосида грант олувчилар - юридик шахслардан даромадлар олган грант ижрочилари - жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади	ЎзР Президентининг 15.04.2005 йилдаги ПҚ-56-сон қарорининг 6-банди
<b>1.01.2010 йилга қадар</b> Тижорат банклари акциялари (улушлари) бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари	ЎзР Президентининг 27.09.2006 йилдаги ПҚ-475-сон қарорининг 5-банди
<b>1.10.2006 йилдан бошлаб</b> Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда жисмоний шахслар - акциядорларнинг қўшимча акциялар қиймати ёки акциялар номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари СК 179-моддасининг 19-банди	ЎзР Президентининг 18.05.2007 йилдаги ПФ-3878-сон Фармонининг 4-банди
Ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг шахсий уй-жой ёки қўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси; хўжалик юритувчи субъект - иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағлар	ЎзР Президентининг 20.02.2008 йилдаги ПФ-3968-сон Фармонининг 2-банди
Кўрсатиб ўтилган мол-мулк сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб 5 йил ичида сотилса, даромадлар белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади	ЎзР Президентининг 21.02.2008 йилдаги ПҚ-800-сон қарорининг 8-банди
<b>1.04.2008 йилдан 1.04.2009 йилга қадар</b> Ўзбекистон Республикаси резидентлари - жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банкларидаги шахсий ҳисобварақларидан ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари	ЎзР Президентининг 29.04.2008 йилдаги ПҚ-848-сон қарорининг 10-банди
<b>5 йил муддатга</b> "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЕАЖ хорижий ходимларининг мазкур корхонадаги хизмат доирасида оладиган даромадлари	ЎзР Президентининг 21.05.2008 йилдаги ПҚ-872-сон қарорининг 4-банди
"Женерал Моторс Ўзбекистон" ЕАЖ қарорга 2-иловага мувофиқ жадвал бўйича янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган пайтдан бошлаб имтиёзнинг амал қилиш муддати 31.12.2017 йилда тугаши билан яна беш йиллик муддатга узайтирилади	
<b>5 йил муддатга</b> Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида ўтказиладиган маблағлар	
<b>1.06.2008 йилдан бошлаб 3 йилга</b> Сугурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари	

## БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда («Эркин муомалага чиқариш» - импорт режимида) ва Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- импорт қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС);
- импорт қилинаётган товарларга акциз солиғи;
- божхона божи;
- божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;
- божхона қонунчилигида назарда тутилган бошқа йиғимлар.

**Импорт қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҚҚС.** Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

импорт қилинаётган товарлар бўйича - Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида олиб кириладиган товарлар;

Ўзбекистон норезидентлари томонидан бажарилган ишлар (хизматлар) бўйича - Ўзбекистон норезидентлари томонидан резидент учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар, уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса. Товарлар, ишлар, хизматларнинг реализация қилиш жойи Солиқ кодексининг 202-моддасига мувофиқ белгиланади.

Импорт қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҚҚС ставкаси 20%ни ташкил қилади.

**Импорт қилинаётган товарларга акциз солиғи.** Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Президентнинг қарорларига мувофиқ рўйхатлар ва ставкалар бўйича олиб кириладиган акцизли товарларга акциз солиғи солинади.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан қуйидагиларга биноан акциз солиғининг ставкалари амал қилмоқда:

ЎзР Президентининг 23.05.2008 йилдаги ПҚ-876-сон қарорининг иловасига мувофиқ - 2008 йил 23 майдан бошлаб;

ЎзР Президентининг 12.12.2007 йилдаги ПҚ-744-сон қарорининг 12-2-иловасига мувофиқ - 2008 йил 23 майгача.

**Божхона божи** - Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтиладиганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов. Божхона божларига тортиш объекти бўлиб божхонада баҳолаш усуллари ёрдамида аниқланган товарларнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Импорт божхона божлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомала учун олиб кириладиган товарлардан ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ божхона божи ундирилишини назарда тутувчи бошқа божхона режимларида жойлаштирилиши чоғида ундирилади.

2008 йилда импорт божхона божларининг қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ставкалари амал қилмоқда:

# Солиқ ва божхона тўловлари бўйича ИМТИЁЗЛАР



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг  
2008 йил 1 августдаги ҳолатига кўра

## МУНДАРИЖА:

Мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлар ва муассасалари учун имтиёзлар

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (ЧЭИИК) учун имтиёзлар

Айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун имтиёзлар

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) учун имтиёзлар

Жисмоний шахслар учун имтиёзлар

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

2008 йил 1 январдан бошлаб ЎзРнинг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган янги Солиқ кодекси кучга кирди. У билан бирга солиқ солиш амалиётида янги атама ва мезонлар юзага келди, олдиндан фойдаланиб келинаётганлари эса «қонунийлаштирилди». Бу «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар» тушунчасига ҳам тегишлидир. Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти эътироф этилади.

Имтиёзлар Солиқ кодекси, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тақдим этилади. Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилди.

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Мазкур материал Давлат солиқ кўмитаси, «Norma Expert» гуруҳи ҳамда «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари мутахассислари томонидан ҳамкорликда тайёрланди.

6  
дафтар

Хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиладиган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, шунингдек молиявий ҳисобот шакллари тўлдиришга доир мисоллар билан «Амалий бухгалтерия», «Амалий солиқ солиш», «Экспорт-импорт операциялари» ва «Кичик корхона, савдо ва умумий овқатланиш» электрон маълумотнома-қўлланмаларида танишиш мумкин.

Имтиёзлар бериладиган шахслар	Солиқ турлари	Имтиёз тури	Асос	Изоҳ
Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 2-банди	Имтиёз Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинмаган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари, барча даромадларга татбиқ этилади
Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 3-банди	
Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 4-банди	
Халқаро ноҳуқумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 5-банди	
Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига қақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Хизматни ўташ (хизмат вазибаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 6-банди	
Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ушбу фаолиятдан олган даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 8-банди	
Прокуратура органларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Уларнинг хизмат вазибаларини бажариш муносабати билан олган даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 7-банди	
Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир бўлган ишлаб чиқаришларда ишловчи ходимлар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Даромадлардан чегирмалар даражаси 25%дан ошмаслиги лозим	ЎзР ВМнинг 24.12.1997 йилдаги 562-сон қарорининг 1-банди	Ишлаб чиқаришлар рўйхати ЎзР ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхатларида келтирилган
Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёллар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Даромадлардан чегирмалар даражаси 20%дан ошмаслиги лозим	ЎзР ВМнинг 17.03.1999 йилдаги 117-сон қарорининг 1-банди	Ишлаб чиқаришлар рўйхати ЎзР ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхатларида кўрсатилган
Ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги жойларда ишловчи жисмоний шахслар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун қўшимча тўловлардан даромад солиғи энг кам солиқ ставкаси (13%) бўйича ҳисобланади	ЎзР ВМнинг 24.12.1997 йилдаги 562-сон қарорининг 2-банди	

**СОЛИҚЛАР, ЙИГИМЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА  
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР**

Имтиёзлар бериладиган шахслар	Солиқ турлари	Имтиёз тури	Асос	Изоҳ
Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёз оладиган фуқаролар (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахслар)	Мол-мулк солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 275-моддаси биринчи қисмининг 4-банди	Имтиёз тегишсиз тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек имтиёз тақдим этилишида асос ҳисобланадиган, ваколатли давлат органлари томонидан берилган бошқа ҳужжатлар асосида берилади
	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 290-моддаси биринчи қисмининг 7-банди	
Чернобыль АЭСдаги авария оқибатида жабрланганлар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси иккинчи қисмининг 9-банди	Имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган, имтиёз берилиши учун асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар асосида берилади
1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар	Мол-мулк солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 275-моддаси биринчи қисмининг 2-банди	Имтиёз уруш ногиронининг тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга - ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади
	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 290-моддаси биринчи қисмининг 3-банди	
Болаликдан ногиронлар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди	Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг маълумотномаси асосида тақдим этилади
Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси иккинчи қисмининг 10-банди	Имтиёз фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХД) органлари томонидан ҳар бир болага алоҳида бериладиган маълумотнома асосида берилади
Икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси иккинчи қисмининг 11-банди	Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, қайта турмуш қурмаганлик ҳамда меҳнат ва ижтимоий таъминот органининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади
Болалиқдан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси иккинчи қисмининг 12-банди	Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида тақдим этилади
Хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса	Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СК 180-моддаси биринчи қисмининг 1-банди	Имтиёз Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари, барча даромадларга татбиқ этилади

Давоми. Бошланиши "СБХ"нинг 33 (733), 34-35 (734-735), 36 (736), 37 (737), 38 (738)-сонларида.

Имтиёзлар бериладиган шахслар	Солиқ турлари	Имтиёз тури	Асос	Изоҳ
Пенсионерлар	Мол-мулк солиғи	Қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида солиқ тўлашдан озод этилади	ЎзР СКнинг 275-моддаси биринчи қисмининг 5-банди	Имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади
Муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари (хизматни ўташ даврида)	Мол-мулк солиғи	Қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида солиқ тўлашдан озод этилади	ЎзР СКнинг 275-моддаси биринчи қисмининг 8-банди	
Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 290-моддаси биринчи қисмининг 1-банди	
Ёлғиз пенсионерлар	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 290-моддаси биринчи қисмининг 5-банди	Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда, квартирада ёки ётоқхонада бирга яшовчи пенсионерлар солиқ солиш мақсадида ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади  Имтиёз пенсия гувоҳномаси ва (ёки) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади
Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 290-моддаси биринчи қисмининг 6-банди	Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир  Имтиёз туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида берилади
Кўчириб келтирилган фуқаролар	Ер солиғи	Келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 290-моддаси биринчи қисмининг 9-банди	
Шахсий пенсия тайинланган шахслар	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 290-моддаси биринчи қисмининг 8-банди	
Жисмоний шахслар	Ер солиғи	Солиқ тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 290-моддаси биринчи қисмининг 10-банди	Имтиёз яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юртиш учун белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкаларига ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатта берилади
Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган энгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачини олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар	Сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим	Йиғим тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 324-моддасининг 1-банди	
Ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек яқин қариндошларидан ҳада шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачаларни олувчи фуқаролар	Сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим	Йиғим тўлашдан озод қилинганлар	ЎзР СКнинг 324-моддасининг 2-банди	

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА  
ОШИРУВЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН**

Четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар	Божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун олинадиган йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилиш	1.01.2009 йилга қадар - ЎзР Президентининг ПҚ-879-сон қарорига 2а, 3а ва 4-иловаларга мувофиқ корхоналар учун  1.01.2011 йилга қадар - ЎзР Президентининг ПҚ-879-сон қарорига 2 ва 3-иловаларга мувофиқ корхоналар учун	ЎзР Президентининг 28.05.2008 йилдаги ПҚ-879-сон қарорининг 2-банди	Имтиёз мақсадли – бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришлари ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади  Имтиёзни қўллаш тартиби МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг АВ томонидан 24.08.2006 йилда 1619-сон билан рўйхатдан ўтказилган махсус Низом билан тартибга солинади
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**НЕФТЬ ВА ГАЗ ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИ УЧУН**

ЎзР Президентининг ПФ-1919-сон Фармонида 2-иловага мувофиқ республиканинг нефть ва газ тармоғи объектлари учун олиб келинадиган технологик ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, башарти уларни етказиб бериш технологик ускуналар етказиб бериш контрактлари шартларида назарда тутилган бўлса	ҚҚСни тўлашдан озод қилиш	Импорт қилинаётганда	ЎзР Президентининг 19.01.1998 йилдаги ПФ-1919-сон Фармонининг 1-банди  ЎзР Президентининг 14.03.2007 йилдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-банди	Технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати ИВ, МВ, ТИАИСВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 3.05.2008 йилда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------	----------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**КИЧИК БИЗНЕС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ УЧУН**

Кичик бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун тасдиқланган рўйхатга мувофиқ олиб келадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контрактлари шартларида бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш назарда тутилган тақдирда	Божхона божини тўлашдан озод қилиш	Импорт қилинаётганда	ЎзР Президентининг 9.04.1998 йилдаги ПФ-1987-сон Фармонининг 3-банди	Технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати ИВ, МВ, ТИАИСВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 3.05.2008 йилда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган
Кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига рўйхатга мувофиқ олиб келадиган технологик ускуналар, шунингдек технологик ускуналар етказиб бериш контрактлари шартларида етказиб бериш назарда тутилган тақдирда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар	Божхона божини тўлашдан озод қилиш	Импорт қилинаётганда	ЎзР Президентининг 31.01.1997 йилдаги ПФ-1702-сон Фармонининг 5-банди  ЎзР Президентининг 14.03.2007 йилдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-банди	Технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати ИВ, МВ, ТИАИСВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 3.05.2008 йилда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган

ЎзР Президентининг 27.03.2008 йилдаги ПҚ-823-сон қарори – 2008 йил 1 апрелдан бошлаб;

ЎзР Президентининг 19.09.2005 йилдаги ПҚ-183-сон қарори – 2008 йил 1 апрелга қадар.

Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий алоқаларда энг қулай режим яратишни қўллаётган мамлакатларда (мазкур материалга 2-иловага қаранг) ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланадиган, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган импорт божхона божлари ставкаларининг чегараланган даражалари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларда энг қулай режим яратиш назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божхона божларининг ставкалари икки барабар оширилади, Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан тариф преференциялари бериладиган ҳоллар бундан мустасно.

**Божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари.** Божхона йиғимлари куйидаги ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган миқдорларда ундирилади:

товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан кузатувчисиз бағажда, халқаро

почта жўнатмалари ва юкларда олиб ўтиладиган нотижорат мақсадларидаги товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;

товарлар ва транспорт воситаларини бунинг учун белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;

товарлар ва транспорт воситаларини божхона органлари эгалигидаги божхона омборлари ва вақтинча сақлаш омборларида сақлаганлик учун;

товарларни божхона кузатувида олганлик учун.

Божхона йиғимлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг 30.04.1999 йилдаги 204-сон қарорига иловада белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Божхона тўловлари декларант томонидан тўланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг ўрнига божхона тўловларини тўлашга ҳақли.

Президентнинг 10.10.1997 йилдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1871-сон Фармони билан 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)нинг барча турларига экспорт божхона божлари бекор қилинди. Экспорт қилишдаги божхона расмийлаштируви учун йиғимлар белгиланган тартибда ундирилади.

**ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН  
ИМТИЁЗЛАР**

ЧЭИИКларга имтиёз қўллаш шартлари (операциялари)	Товарлар, ишлар, хизматлар номи	Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёз тури	Асос	Изоҳ
<b>ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР УЧУН</b>				
Болалар пойабзалини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ЧЭИИКлар	Ўз ишлаб чиқаришларида фойдаланиш учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва танавор маҳсулотлар	ҚҚСни тўлашдан озод қилиш	ЎзР СК 211-моддасининг 10-банди	
Технологик жиҳозлар импорт қилинаётганда	Ишлаб чиқариш техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвесторларнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган технологик асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар	Инвестор инвестиция мажбуриятларини қабул қилган пайтдан бошлаб инвестиция даврига божхона тўловларини (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш	ЎзР ВМнинг 17.04.2003 йилдаги 185-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошиси	
ЎзР иқтисодиётига умумий суммаси 50 млн АҚШ долларидан зиёд бўлган тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширган чет эллик юридик шахслар томонидан товарлар олиб кирилганда	Олиб кириладиган товарлар, башарти улар ўз ишлаб чиқариш маҳсулоти бўлса	Божхона божини тўлашдан озод қилиш	29.08.1997 йилдаги 470-1-сон "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонун 33-моддаси биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошиси	Имтиёз юридик шахслар томонидан олиб кириладиган истеъмол товарларига татбиқ этилмайди
Маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишларни бажаришда қатнашаётган чет эллик инвестор ёки бошқа шахслар томонидан товарлар олиб кирилганда	Лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишларни олиб бориш учун мўлжалланган, олиб кириладиган товарлар, ишлар ва хизматлар	Божхона тўловларини (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилиш	ЎзР СК 256-моддаси учинчи қисмининг 5-банди	Олиб кирилган моддий-техника ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаганида, шу жумладан улар бошқа шахсларга берилганида, бюджетга тўланадиган барча божхона тўловлари божхона қонунчилиги билан белгиланган тартибда ундирилади
Инвестор томонидан маҳсулот олиб чиқилганда	Инвестор томонидан олиб чиқиладиган, унга маҳсулот тақсимотида оид битимга мувофиқ тегишли бўлган маҳсулот		29.08.1997 йилдаги 470-1-сон "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонун 33-моддаси биринчи қисмининг ўн олтинчи хатбошиси	

**ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ, ЧОРВАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ВА ХҲЖАЛИКЛАРИ УЧУН**

Наслчилик чорвачилик хўжаликлари, наслчилик иши корхоналари, паррандачилик корхоналари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, "Ўззоветтаъминотхизмат" бирлашмаси томонидан олиб келинадиган наслчилик материали, зооветеринария хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун технологик ва ёрдамчи ускуналар, рўйхат бўйича омихта ем ишлаб чиқариш компонентлари	Божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун олинadиган йигимлардан ташқари) тўлашдан озод қилиш	1.01.2012 йилга қадар	ЎзР Президентининг 21.04.2008 йилдаги ПҚ-842-сон қарорининг 8-банди	Имтиёзли товарлар рўйхати ЎзР ВМнинг 22.07.2008 йилдаги 156-сон қарори билан тасдиқланган
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------	---------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ МАҚСАДДАГИ БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН**

Дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган хом ашё	ҚҚС тўлашдан озод қилиш	Импорт қилинаётганда	ЎзР СК 211-моддасининг 6-банди	
Дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўзлари ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё ва материаллар, рўйхатга кўра	Олиб келинадиган хом ашё ва материаллардан мақсадли фойдаланиш шарти билан ҚҚС тўлашдан озод қилиш	1.01.2009 йилга қадар	ЎзР Президентининг 14.07.2006 йилдаги ПҚ-416-сон қарорининг 1-банди	Олиб келишда имтиёз қўлланиладиган хом ашё ва материаллар рўйхати ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚ, ССВ, "Ўзфармсанот" ДАКнинг АВ томонидан 16.08.2006 йилда 1612-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган  Хом ашё ва материаллардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолда ҚҚС суммаси ҳамда хом ашё ва материалларни сотишдан тушган даромад санкциялар жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда бюджетга ундириб олинади

**ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН ИМТИЁЗЛАР**

Лизинг компаниялари жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келадиган технологик ускуналар (рўйхатга мувофиқ), шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, башарти уларни етказиб бериш технологик ускуналар етказиб бериш шартларида назарда тутилган бўлса	Божхона божини тўлашдан озод қилиш		ЎзР Президентининг 31.01.1997 йилдаги ПФ-1702-сон Фармонининг 5-банди  ЎзР Президентининг 14.03.2007 йилдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-банди	Технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхати ИВ, МВ, ТИАИСВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 3.05.2008 йилда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган
"Асака" банки ва "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси томонидан ташкил этиладиган лизинг компанияси томонидан четдан олиб келинадиган, Тошкент шаҳри автобус саройларига лизингга берилadиган йўловчи ташиш автобуслари	Божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йигим бундан мустасно) озод қилиш	1.01.2010 йилга қадар	ЎзР Президентининг 3.07.2006 йилдаги ПҚ-396-сон қарорининг 5-банди	
"Ўзмелиомашилизинг" ихтисослаштирилган лизинг компанияси томонидан харид қилинадиган мелиорация техникаси		5 йил	ЎзР Президентининг 29.10.2007 йилдаги ПФ-3932-сон Фармонининг 7-банди	

ЧЭИКларга имтиёз қўллаш шартлари (операциялари)	Товарлар, ишлар, хизматлар номи	Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёз тури	Асос	Изоҳ
